

Ўктабр ўзгаришининг беш йиллик байрами муносабати билан биз «Таёк»имизнинг ушбу фавкулодда сонини порахўрлик кахрамонларига багишламок билан баробар бу сонда ёлгуз «пора»нинг лугавий ва изоҳли маъноларидан ҳам порахўрликнинг бурунги ва хозирги холларидан сувга тегмаган нодир ва муҳим маълумот бериб ўтамыз:

«Пора», «пору»дан муштафикдир. Пору хайвон тезаги бўлганидек, пора ҳам инсон тезагидур. Мана шунинг учун бизнинг шариятимиз пора емакни мусулмонларга харом қилмишдир. Бу поранинг лугавий маъноси бўлиб, истилоҳда виждонсиз «ходим ул-миллат»лар қошида она сутидан ҳам халолрок саналгон махсус бир окча туридирким, буни еган киши оз кунда чўчкадек семириб ва давлатида ҳам фавкулодда баракот ҳосил бўладир. Кўп замон ўтмасдан, порахўрнинг ахлокида катта «ўзгариш» пайдо бўлиб, ул дунёда бор фиск-фужур илмига чечан бўладур. Ўзи кунда хар канча гуноҳсиз ва кучсиз кишига учраса, уларни жинни ит қаби копадур - талайдур. Охири, гуноҳсизлигидан осмонга учиб кетиб, каттиг бир елга йўликиб бирдан ерга йикилиб ўладур.

Порахўрлик иши золим Николай замонида ёмон бир холда эди. Ўзгаришдан кейин хар иш «тараккий» қилгонидек, порахўрлик хунари ҳам яхшигина тараккий қилиб олди. Ҳукумат хар ишни янги асосқа қўйишга тушган бир вақтларда порахўрлар хар бир янгиликдан ўзларига чексиз бир улуш чиқардилар.

«Ходим ул-халк»ларимиз хурриятдан фойдаланиб ҳам ҳукуматдан ва ҳам камбагал халқдан «ойлик» ола бердилар. Булар ҳукуматдан олатургон ойликлар ўз маишатларини таъмин эталмагонлиги учун «зақот» номи билан халқдан ўзлари истаганча «ойлик» олишга мажбур бўлдилар. Шунинг учун замонимизда порахўрлик тараккий этди.

Сўнгги чокларда халқнинг порахўрлардан зорланиб, берган коп-коп шикоятномалари вогун-вогун бўлиб Масковга борган бўлса керакким, унда порахўрлар билан узил-кесил курашишга қарор қилиниб бел боғланди. Бизнинг марказ (Тошканд)да ҳам шу тўғрида жуда катта қарорлар чиқарилиб, порахўрлар билан курашиш учун (труйкалар) учликлар тузилди. Дархол труйкалар кураш майдонига қириб Рустамдек ботирлик кўрсатдилар: бошлаб бир неча порахўрларнинг бўйниларига сиртмок солиб жаханнамга судраб туширдилар.

Эшитканимизга қараганда, бу қора хабар бундаги машхур порахўрларга етиб, буларни

кўркиш ва хаяжонга туширибдир. Ўз мухбиримизнинг берган хабарига кўра, шахримиздаги каттакон порахўрлар яқинда каттакон бир йигинда йигилишиб, труйкаларнинг тузогига илинмаслик учун музокарадан кейин куйидаги тadbирларни маъкул кўрибдурлар:

1. Труйкаларга бир миқдор ёгликгина улуш чиқарамиз.
2. Бу тadbир билан кутулиб бўлгон тақдирда очикдан-очик ҳукуматга мурожаат қилиб маишатга етарлик ойлик сўраймиз. Арзимиз қабул бўлгонда, порахўрликни бир даража озайтирамиз. Бўлмаса, шу тутгон «муқаддас» йўлимизда қурбон бўлишни бўйнимизга оламиз, вассалом.

Юқоридаги қарор порахўрларнинг умумий мажлисларида ҳам «билиттифок» қабул қилинмишдир.

Ана энди, ўлмасак кўрамизким, бу ҳаёт-мамот майдонида қайси тараф енгар, қайси тараф енгилар?

«Таёк» бу муҳим қурашда ўзини бетараф тута олмайдур. Тўғридан-тўғри порахўрларни ёқлайдур. Чунки порахўрлар ҳукуматдан эмас, фақат халқдангина пора олурлар. Бу ишдан ҳукуматнинг ҳазинасига зарар бўлмас, ёлғиз халқнинг қиссасигагина зарар бўлур. Шундай қимматчилик замонида порахўрликни катагон этмак бечора «ходим ул-халқ»ларни тириклай гўрга тикмок билан баробардир.

Хайр, ҳар ҳолда, икки томонга ҳам муваффақият тилаймиз.

*Ботурбек*

*«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 16 ноябрь*

